

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИТОШКЕНТ
ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 56 (9.400) 2000 йил 12 май, жума

Сотувда эркин нархда

Бугун

пойтахтимизнинг Бўзсув қирғоғида Юртбошимизнинг бевоқиф ташаббуси ва раҳнамолигида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасига барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИ

халқимизнинг мўтабар зиёратгоҳидир



Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Кунда ахвол шу — бугун яна қочди-кетди кўздан уйқу.

«Хой, сен кўздан қочган уйқу, қаёқдасан? — деб сўроқлайман ҳаёлан — қаерларда сахар мардондан дилдираб изғиб юрибсан, шўрлик?»

Тиниб — тинчимасур ҳаёлларим эса айнан шу палла, уйқунинг қочиб қолганидан фойдаланиб, унинг ўрнини эгаллади-олди: «Уни ёз, буни ёз!» — дея мени қийноққа сола бошлади. Мен эса, юртим, элим бошиндан, ўзимнинг бошимдан ўтган кунларнинг — яқин тарихимизнинг, ёзилган-ёзилмаган қай сир-синаотларини қозғашга тўқсан — элга дoston қилсам дея алағдаман. Қалбим лиммо-лим, элга айтар сўзларим кўп. Ёруғ жаҳонда етмиш йил яшаб қўйиб ҳам эл бошига тушган кулфатлардан мана эндигина — мустақилликка етишганимиздан сўнггина воқиф бўлаётганимни ёсамми? — деб сўроқлайман ўзимни...

— Йўқ-йўқ, мустақиллик қаламинга қандай куч берганини элга билдир, — дейди бошқа бир овоз. — Бир йилгина бурун Республикаимиз Президент Ислам Каримов Фармойиши асосида ташкил этилган мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссиясида қандай ишлар қиляёсизлар? Шулардан сўзла! Шаҳид кетган отаи бузрукворингиз олти йил мобайнида бўзлаганларингизни энди унут!

Ва қамина бу нидога итоат этиб, бутун элим ва юртим бошига, ўзбек эли бошига мустақил тузум даврида солинган мусибатлар қўламини кўз ўнгимда ҳаёлан тиклайман. «Шаҳидлар хотираси» жамоатчилик комиссияси бу борада бир йил мобайнида фаолият олиб бориб, бу дарах-ҳасратларнинг чеки-чегараси кўринмаётганига амин бўлди-ку. Мустақилликнинг қадр-қийматиға етмоқчи учун биргина шу фактларнинг ўзиёқ биз қўлга киритган истиқлолнинг нечоғлиқ катта давлат эканлигини намоян қилиб турибди-ку. Ана шу мезондан келиб чиққанимизда истиқлол йўлидаги курашда шаҳид кетганлар ўз олдига қўйган вазифанинг нечоғлиқ оғир, нечоғлиқ мураккаб бўлганини аниглаймиз. Бутун эл номидан сўз юри-

тишга менда не ҳад. Шу туфайли мен фақат ўз оилам бошига тушган бахти-қароликларни тилга олиб ўтаман. Бу фожияни қатағонга дучор этилган эл фарзандлари сонига кўпайтириб кўрсак, ана унда биз мустақил тузум бошимизга солинган зулм даражасини ҳиёл бўлсада аниглаёсак керак.

1930 йилнинг ноябрь кунларидан берида эрта билан ишга кетганча беда-

ишонардим. Аммо бу иш шунчалик тез амалга ошишини тасаввур эта олмагандим. Эндиликка келиб, ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз: пойтахтимизнинг Юнусовд туманида кўркам ва маҳобатли бир обида кўкка бўй чўзди. Бир пайтлар Тошкент шаҳридан ташқарида не-не сир-синаотларини қаёрига жо қилиб, бўзлаб оқиб ётган Бўзсув ёқасида хушманзара бир

Не бахти, юртимизда адолат тантана қилиб — истиқлол тантана қилди. Мустақилликка эришганимиз туфайли, неча-неча йиллар мобайнида қалбимизни поралаб келган ғамларимиз ариди. Комиссиянинг ва Миллий ҳафсизлик хизматининг саъй-ҳаракати билан шу кунгача ўн саккиз мингта яқин оилада халқ душмани деб қораланган оталар оқлангани аниқланди. Яқин келажакда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси барпо этган Хотира китобида улар номини ўқиймиз. Булар бари мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасида қилинажак ишларнинг бир қисми, ҳолос. Ҳали олдинда яна қатор режалар ўз навбати кутиб турибди. Бу майдонда «Шаҳидлар хотираси» музейи барпо этилиши, мустамлакачиликка қарши курашда шаҳид кетган ватандошларимиз бюсти қўйилиши кўзда тутиляпти. Она юрт эрки — истиқлол учун бўлган курашда шаҳид кетган аждодларимизнинг жойи жаннатда бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин.
Холида АХРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

рақ йўқолган отаи бузрукворим муаллим, журналист, драматург ва дипломат Саид Ахрорий — энди билсам, ўша чоқда ҳибса олинган эканлар.

Бундай кафансиз ва бежаноа шаҳид кетганлар қанча бўлган? Буни ҳали ҳеч қим аниқ билмайди. Хатто отамиз тақдирдан биз фарзандлар олти йил мобайнида ҳеч нарса билмадик ва ахирри истиқлол туфайли унинг фожияли қисматидан огоҳ бўлдик. Шаҳсан мен, бу қатли омлардан ҳаёт тоғча, мустақил давлатимиз шаҳид кетган ўғлонлари хотирасини абадийлаштиришга

гуша чирой очди. Бу мустақил юрт фарзандларининг мустамлакачилик ситамларини синдириб ташлаш учун курашган ва бу тенгсиз курашда жанозасиз ва кафансиз кетган оталари ва боболарининг чирқираган руҳига таскин бериш учун ўз меҳнатлари билан бунёд этган бир обида бўлиб қолажак. Бўзсувнинг икки соҳилида ўн етти гектар майдонга ястанган бу хушманзара маскан янги авлоднинг ота-боболарига миннатдорлиги рами бўлиб қад ростлади. Бу майдоннинг қўрғон кўзлар қувнайди, бу қувончни туйган диллар яйрайди.

Пойтахтимизнинг Бўзсув қирғоғида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи неча минглаб шаҳид кетганлар оила аъзолари, яқинлари қалбидидаги ғуборларни ювиши, уларнинг аламу изтиробларига малҳам бўлиши шубҳасиз. Ана шу мажмуани зиёрат қилишга борган қатағон қурбонларининг фарзандлари дилларидаги соғинчини шу маскандан топади. қалбларидаги армонлари ушалганидан чехраларида истиқлол берган буюк бахтдан энтикади. Шу билан бирга мажмуани зиёрат қилган ҳар бир ватандошимиз шаҳид кетган аждодларимиз номини меҳр билан ёдга олади. Ҳамшаҳарларимизнинг дил сўзларини тинглар эканмиз, кўтлуг қадамжонинг муқаддас масканга айланишига, унинг халқимиз кўнглидаги айни муқдас бўлганлигига яна бир қарра амин бўламиз.

● Мавжуда ВОҲИДОВА, педагог,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси:

— Мустақилликка эришганимизга 9 йил тўлаётган бўлса, ҳар йили, ҳар кунги истиқлол наҳиласидан баҳраманд бўлаяпмиз. Айниқса, ўтган йили бунёд этилган Хотира майдони, бу йил қурилган «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси юртдошларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдиргани, ўзгичилигини аниқлашга, аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга қўшилган жуда катта ҳисса бўлди. Юрт озодлиги

йўлида очилмай сўлган миллий сиймолар руҳини шод этиб, армону ҳавасларини рўёбга чиқариш, уларнинг номларини авлодлар хотирасига муҳрлаш бу жуда катта саодатдир. Номини қамраб оладимиз — Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Элбек, Абдулла Қодирийларнинг

тикиш билан қўтиб олганларини айтишга тилим ожиз. Ана шу дамларда улар шукроналар қилиб, «Кўрсатганига шукр, болам, отанг ва мен доимо қадрлаган улуғларимиз Чўлпон Фитрат, Абдулла Қодирий ҳамиша орзу қилган кунларга етдим», деб қувонардилар. Хотира май-

Хотира

СОҒИНЧНИ ТОПАДИ ДИЛЛАР

номлари ва асарлари, Ватанга юксак муҳаббат, унинг озод ва ободлиги йўлидаги фидойиликларини ёшларимизга ҳамиша ўрнак ва ибрат бўлмоғи керак. Мажмуага ташриф буюрган ҳар бир одам буни янада тарафдор қилади. Фитрат Ватани «Тилагим, истагим, саодатим!» деб ардоқлаган эди. Мустақиллик боис ҳам юртимиз ҳақиқий саодатимизга айланди. Аждодлар ўғитига қўлоқ тутиб, она юртимизни эъзозламоқ, асрамоқ, унинг саодати йўлида меҳнат қилмоқ барчамизнинг бурчимиздир.

● Сайёра ҲОЖИМАТОВА, шифокор:

— Пойтахтимизда Президентимиз ташаббуслари билан бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси қалбимизга фахр туйғусини солгани бежиз эмас. Отам Ватан озодлиги, истиқлолиятини орзу қилиб оламдан ўтди. Лекин 104 ёшли онам — Фотима Умрзоқова мустақилликни шунчалик ҳаяжон, эн-

дони қурилганда беҳад фахрланиб, Президентимизни дуо қилдилар. Афсус, «Шаҳидлар хотираси» мажмуасини кўра олмадилар. Лекин юртим оналарининг армони ушалгани, илҳақ қалблар ўзига кўтлуг маскан топанлиги буюк бахтдир. Ўйлайманки, табаррук қадамжого борган ҳар бир инсон «Шаҳидлар хотираси» олдида бош эгади.

● Фаррух БАҲРОМОВ, Тошкент автомобил йўллари институти толиби:

— Қатағон қурбонлари, эл-юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг фидойиликларини ёшларга ҳамиша ибрат. Айниқса, шаҳримизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси биз учун энг табаррук, муқаддас жойга айланди. Ватанин севган, унинг ҳар қаричини муқаддас санаган ана шу аждодларимиз меҳру муҳаббати бизларга ҳамиша истиқбол йўллари кўрсатиб туради. Президен-

тимизнинг Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотирасини эъзозлаш борасидаги улуғ ишлари ҳар биримизни савоб ва эътиқадга ундаб турибди. Халқимиз учун фидойи бўлиш ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, она Ватан, сеvimли юртдошлар учун арзирли иш қилган инсонгина ёд этишдек улкан бир саодатга мушарраф бўлишни бугун яққол кўриб, юракдан ҳис этиб турибмиз.

● Дилшод ЭҒАМБЕРДИЕВ, курувчи:

— Мен шундан фахрланаманки, олдин курувчи бўлсамда юксак эзгу ишга ўз ҳиссамни қўшдим. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси қурилишида фаол иштирок этдим. Ушбу мажмуада халқимизнинг шаҳидлар хотирасига қалб қўри, юрак меҳри, садоқат ва ифтихори жўш уриб турибди. Биз табаррук жойнинг қурилиш ишларида қатнашар эканмиз, бу ерга ҳашарга келган кеска отахонларимиздан миллатимиз жонқуярлари, қатағон қурбонлари ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик. Албатта, ушбу мажмуа шаҳидларга авлодлар таъзими бўлади. Шуниси қувончлики, бу ерда минглаб ёшларимиз ҳам ишладилар. Улар ҳам аждодлар руҳига садоқатли, юртимиз ифтихори бўлишни шу ерда яна бир бор қўнгилларига тугдидилар, десам хато бўлмайди.

Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.

● «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимига бағишланган материаллар газетамизнинг кейинги сониде ёритилади.

Тақдимот

КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида қатағон қилинган ва шаҳид бўлган юртдошларимизнинг порлоқ хотираларига бағишлаб чоп этилган Наим Каримов ва Рустамбек Шамсутдиновларнинг «Сургун», Алиазар Эгамназаровнинг ҳам шу номдаги китоби, Собир Мирзаалиевнинг «Ўзбек адаблари», Наим Каримовнинг «Истиқлолни уйғотган шоир» китобларининг тақдимот маросими бўлди.

КИТОБХОН
УЧУН ЗАРУР
АСАРЛАР

Тадбирда сўзга чиққан китоблар муаллифлари — «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси Н. Каримов, шу жамғарма раиси ўринбосари С. Мирзаалиев, А. Эгамназаров, Р. Шамсутдиновлар тарихга янгича ёндашув асосида вужудга келган ўз асарларининг яратилиш тарихи, айниқса, ўзбек тарихшунослигидаги янги мавзу ҳисобланмиш кулоқлаштиришни ёритиш йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишди.

Анжуманда қатнашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али юқоридеги асарларнинг бугунги китобхон учун ниҳоятда зарурлигини айтиш, уларнинг ёшларни ўғитишга, миллий қадриятларимизга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрнини алоҳида таъкидлашди.

Ирода РЎЗМАТОВА.

Кўргазмалар
РАССОМ
БЎЁҚЛАРИДА

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда кўргазма ташкил этилди.

«Шаҳидлар хотираси» — рассомлар «ижодида» деб номланган ушбу кўргазмада юртимизнинг таниқли рассомлари Ватан озодлиги учун кураш йўлида шаҳид ва қурбонлар сиймоси, қисмати ҳамда ўша давр ақс этган асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмада халқ рассомлари — академик А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, А. Икромов, Т. Мирзаалиев, Т. Қўзиёв, Б. Маҳмадов, М. Нуриддинов, С. Рахматов, О. Мунинов, И. Мансуров ва бошқаларнинг юксак маҳорат билан ишлаган асарлари ўрин олган. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Шайхзода, Ф. Ҳўжаев, А. Икромов, Ҳамид Сулаймон, Фафур Ғулом, Шукрулло ва Саид Аҳмад каби улуғ номдорларимизнинг портретлари айниқса, диққатга сазовордир. Шунингдек, кўргазмада 1916 йил қулоғони, 1937 йил қатағон қурбонлари тасвирланган асарлар, А. Мирзаалиевнинг Абдулла Қодирий қабридан монумент ақс этган графикаси, Р. Мирзожониевнинг ҳайкалтарошлик композицияларида шаҳидлар сиймолари ёркин ақс этган.

Кўргазманинг очилиш маросимиде Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА.

Тадбирлар



ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий услубий маркази, республика «Нуроний» жамғармаси, республика «Махалла» хайрия жамғармаси, Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан «Қариси бор уйнинг — париси бор» деб номланган маънавий-маърифий, адабий-мусиқий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманга фахрийлар, табаррук, пир бадавлат, халқ эъзозидоғи, ардоғидаги ота-хон ва онахонлар, туман маҳаллаларидаги энг ибратли оилаларнинг вакиллари тақдир этилди.

Ушбу маросимимизга хуш келибсизлар, — деди Чилонзор тумани ҳокими Шавкат Қосимов кириш сўзи билан даврани очар экан. — Бугун кексалар ўзозланади, ардоқланади, ўз меҳнати билан обрў топаётган фидойилар қадрланади.

— Бугунги тадбир — боғимизда ўтказиладиган файли тадбирларнинг дебосасидир, — деди Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султонов. — Бугун биз туққиз-ўн фарзандни ўстириб, вояга етказиб, эл хиз-

матиға қўшган табаррук ота-хону онахонлар кўнглини озгина бўлса ҳам кўтара олсак хурсандимиз. Бундан буюн боғимизда ана шундай ибратли тадбирлар мунтазам ўтказиб борилад.

Боғимизда катталарнинг ҳам, болажонларнинг ҳам дам олиши, мароқли ҳордиқ чиқариши учун ҳамма шароитлар мўҳайё. Ҳаммаёқ тоза-озода, барча ўйин аттракционлари таъмирдан чиқарилиб, болажонларимиз хизматига шай. Боғимизда бу йил кичкинтой болалар учун кичкина жонли бурчак, шунингдек алоҳида сузиш ҳавзаси ташкил этилди. Қисқаси тадбирлар ўтказиш учун ҳам, дам олувчилар учун ҳам боғимиз эшиклари очик.

Анжуман сўнггида энг намунали оилалар вакиллари-

га, фахрийларга Чилонзор тумани ҳокимлигининг, жамғармаларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Бир пиёла чай устидида бундай дилқас суҳбатдан, эътибордан кўнглилари тодек кўтарилган отахон-онахонлар дуога кўл очиб, шундай хайрли ишларга бош бўлаётган Ўртабосимизга соғлиқ-омонлик, юртимизга, элимизга тинчлик, хонадонларимизга кут-барака, осийишталлик тилдилад.

Таниқли хонанда ва созанда далаз ўзларининг дилрабо куй ва қўшқилари билан дарага янада фойз киритдилар.

Шоҳида МАХМУДОВА.
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 май куни Оқсарой қароғида Эрон Ислам Республикаси Президентининг махсус вакили, ушбу мамлакат таълим ишлар вазирининг ўринбосари Мухаммад Одилийни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Эрон муносабатларини янада ривожлантириш, хусусан, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказиш ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ Олий Мажлисида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Канада парламентининг Халқаро ишлар ва ташқи савдо бўйича доимий қўмитасининг жамоалар палатаси аъзоси Динан Морло хоним бошчилигидаги делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

◆ Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг пленумида маҳалла хотин-қизлар қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ёшларга истиқлол мафқурасини сингдириш ва уларнинг маънавий камолотини таъминлаш борасидаги кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалар ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

◆ Жизжада улкан ижод соҳиб, бахт ва шодлик қўйиши Ҳамид Олимжон таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан барпо этилган Ҳамид Олимжон боғи очилди.

◆ «Ўзодномасулто» давлат акциядорлик корпорацияси акциядорларининг бўлиб ўтган йилги йиллик корпорация тизимидаги қорхона ва ташкилотларда иқтисодий ислохотларнинг бориши таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилан олди. Йилги йиллик таҳлилий масала кўрилди. Иқомдон Нажибидинов корпорация кенгаши ва бошқарув раиси этиб сайланди.

◆ Фарғонада Соғлиқни сақлаш вазирлиги хайъатининг сайёр йилги йиллик таҳлилий мажлиси бўлиб ўтди. 9 та мамлакат спортчилари иштирок этди. Ўзбекистонлик курашчилар жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

◆ Жанубий Африка Республикасида истиқомат қилаётган 120 ёшли Дора Жаҳон хоним туғилган кунда мамлакат Президенти Табо Мбекидан бир қучоқ гулдаста олди.

тиббий ёрдам маркази фаолият кўрсата бошлади.

◆ Кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юрлари ўқувчиларининг шахмат бўйича 1-республика оммавий спорт мусобақалари бошланди.

◆ Кеча Страсбургда Европа Иттифоқи вазирлар қўмитасининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Россиянинг ана шу ташкилотга аъзоллиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

◆ Бангкокда икки минтақавий ташкилот — АСЕАН ва Анд ғруҳининг қўшма анжумани бўлиб ўтди.

◆ Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Россия Давлат Думаси раиси Геннадий Селезнёвга хат йўллаб, собик молия вазир Михаил Касьяновни мамлакат Бош вазир лавозимига тайинлаганини маълум қилди. Маълумотларга қараганда, Дума икки ҳафта ичида ушбу масалани муҳокама этиб, ўз розилигини бериши керак.

◆ Ингушетия Президенти Р. Аюшев Москва Чеченистон Президенти А. Масхадов билан сиёсий музокаралар бошлашга даъват этди.

◆ Бугун Ереванда собик президент Л. Тер-Петросяннинг тарафдорларидан ташкил топган ўнг қучлар иттифоқи Президент Р. Кочаряннинг истефосини талаб этиб митинг ўтказиш режасида.

◆ Чехия Президенти Вацлав Гавелнинг Германияга расмий ташрифи бошланди.

◆ «Майкрософт» корпорацияси раҳбарияти АКШ Адлия вазирлигининг ушбу корпорацияни икки рақобатчи компанияга бўлиб юбориш ҳақидаги талабини қатъий рад этди.

◆ Тожикистон суди ўз эрини — Тожикистон Ички ишлар вазирлигининг ходими бўлган К. Курбановни ундиган 22 ёшли Д. Нўрмоновага ўлим ҳазоси ҳукмини чиқарди. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тожикистондаги миссияси Президент И. Раҳмоновга ёш аёлини афв этиш илтимоси билан мурожаат этмоқчи.

◆ Россиянинг Тьерв шахрида ўсмирлар ўртасида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 9 та мамлакат спортчилари иштирок этди. Ўзбекистонлик курашчилар жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

◆ Жанубий Африка Республикасида истиқомат қилаётган 120 ёшли Дора Жаҳон хоним туғилган кунда мамлакат Президенти Табо Мбекидан бир қучоқ гулдаста олди.

Миллатлараро низолар яхудиylар ва араblар, турклар ва курдлар, серблар ва хорватлар, боснийликлар ва албанлар, арманлар ва озарбайжонлар, молдавонлар ва гагаузалар, грузинлар ва абхазларга қанчадан-қанча гам-ташвиш, азоб-укубатлар олиб келмоқда. Бу рўйхатни узуксиз давом эттириш мумкин. Республикаимиз ҳамда яқин қўшилариимизни ҳам бу офат четлаб ўтмади: Фарғона, Паркент, Бўя, ўш воқеалари — халқимиз хотирасида фожиа сифатида ўрин олган. Инсон миллатчи бўлиб ҳам, жиноятчи бўлиб ҳам туғилмайди, унга айланади. Оилаларда ва мактабларда болаларга миллий мафқураимиз руҳида таълим бериш ва тарбиялашга етарли эътибор берилмас экан инсон миллатчи ёки жиноятчига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири

саволларига берган жавобларида шундай деган — «Шу ўринда муқтаблар ва истиклол йўлида биринчи қадам қўётган даврда ягона оила бўлиб яшайётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб широгига айланган сўзларини эслатмоқчиман». «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир» — Ишончимиз қомилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка қорайётган бундай шир миллий гоимиз ва тафаккуримизнинг асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орузларининг рўёбга чиқарадиган бўлиб хизмат қилар эди.

Тарих сабоқларидан хулоса чиқариш вақти ҳам келди. Моддий қийинчиликлар оғир синов бўлса ҳам, уни меҳнат ва сабр-тоқат билан енгиш мумкин, албатта. Аммо миллатлараро ва диний низолар ҳамда биродарқушлиқ урушларини келтириб чиқарувчи маънавий турғунлик ва маънавий қашшоқликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Бу гоа ҳар бир ота-она, ўқитувчи, мураббий, маҳалла оқсоқоли ва фаоли қалбига сўнмас машъал каби ёниб, ёш авлод учун ақл ва тушунарли бўлиши керак. Ва фақат шундагина тинчлик ва барқарорлик, эзгу мақсадлар ва буюк келажакка эришиш мумкин бўлади.

Республикаимиз аҳли кўтаринкилик руҳи билан ишамокда ва самарали меҳнат қилмоқда.

Бу мамлакатимизда олиб борилаётган адолатли бошқарув ва ҳукм сураётган осийишталик натижасидир.

Бу осийишталикнинг доимийлигини таъминлаш учун мавжуд давлат тузumi ва барқарорликка, энг асосийси халқимиз манфаатларига қарши ғайриқонуний, ғайрисийсий ҳаракатларни содир этаётган «Ваҳхобий», «Хизбут-таҳрир» каби диний ақидапарасти оқимлар ҳаракатларининг олдини олиш борасида қатъий қарорга келишимиз лозим. Токи улар халқимиз осийишталлигига раҳна сола олмайсиналар.

Юзага келган вазият таҳлили асосида Президентимиз И. А. Каримов — «Диний ақидапарастиликка қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтирмаслик лозим» — деб бежиз айтганлари йўқ.

Президентимизнинг ушбу кўрсатмалари ҳар

(Охири. Боши газетанинг 46,47,48,49,50,51,52,53,55-сонларида)

биримизнинг фаолиятимизда асосий дастур бўлиб қолмоғи лозим.

Мазкур кўрсатма ихросини таъминлаш учун республика миқёсида диний ақидапарастилик ҳаракатларига барҳам бериш борасида қоратдирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республика миқёсида 10700 га яқин диний ақидапарастилик ҳисобга олинди ва тўлиқ равишда маҳаллаларда муҳокама қилинди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Гоани гоа билан энгмоқ лозим», деган кўрсатмаси асосида кенг кўламдаги тарғибот ишлари олиб борилиб, яқка тартибдаги ишларга алоҳида эътибор берилди. Бунинг натижаси ўларок 1570 диний ақидапарастилик тава-тазарру этиб ички ишлар идораларига келдилар. Маълумки, мазкур шахсларга нисбатан ҳеч қандай жазо чораси қўлланилмади.

ларга алоҳида эътибор бериш. Учрашув жараёнида диний ақидапарастилик асл ниятлари, уларнинг оқрасида турган қучлар, мамлакат барқарорлигига, халқлар бирлигига, мамлакатимизда ўтказиладиган иқтисодий ислохотларга зарба бериш мақсадида олиб борилаётган ғайриқонуний, миллийлик манфаатига зид ҳаракатларни халққа тушунтириш.

2. Ҳар бир маҳалла фаоллари ўзларининг маҳаллаларида ҳисобда турган диний ақидапарастилик билан яқка тартибда учрашиб, тегишли тарбиявий ишлар олиб бориш, бу ишда ота-оналар ва яқин қариндошлар ташаббускорлигини таъминлаш, уларнинг таъсирини ҳисобда турган шахсга ўтказиш чораларини кўриш, имкон даражасида ҳисобда турган диний ақидапарастиликни маҳалла фаоллари ва уларнинг мансабдор ҳамда обрўли қариндош-уруғлари қафиллигига бериш.

3. Қорхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда бўлиб, барча маҳаллаларда яқиндан ёрдам бериб, қўл остида ишлаётган диний ақидапарастилик билан шахсан, яқка тартибдаги тарбиявий ишларни ўтказиш ва уларни идора раҳбарларининг қафиллигига бериш.

4. Ўрта мактаблар, коллежлар, ўрта махсус ва олий ўқув юрти раҳбарлари ички ишлар идоралари билан

яқин ҳамкорликда, диний ақидапарастилик йўналишига мансуб талабалар ва ўқитувчилар рўйхатини тузиб, улар билан яқка тартибда, шахсан суҳбат ўтказиш ва раҳбар ходимларнинг қафиллигига топшириш.

5. Маҳалла қўмитаси раислари участка ноэирлари билан биргаликда барча масжидларда учрашувлар ўтказиб, қариларини ёшларга насихат қилишга ундаш. Диний ақидапарастиликнинг зарарли томонларини маросимларда оммага масжид вакиллари орқали тушунтириш ишларини йўлга қўйиш.

6. Оммавий ахборот воситалари ва телевидение орқали сифатли ва самарали тарғибот ишларини жадал сураётларда олиб бориш.

7. Чегара ҳудудларидаги қишлоқларда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамасдан, улардаги фуқаролар қайфияти ва улар ўртасидаги турли гап-сўзларга эътиборини қаратиб, тегишли тушунтириш ишларини вақтида олиб бориш керак. Лозим бўлса бундай минтақаларга ҳокимлик ва бошқа масъул идоралардан вакил тайинламоқ лозим.

8. Яна бир нарсани таъкидлаш зарур. Ёшларнинг таълим-тарбиясига нисбатан расмиятчилик, бу ишининг умуман олиб борилмаганидек зарарлидир. Гоий бўлиш бўлимаслигини, кишилар, айниқса, ёшлар онгига ўз халқининг қони эвазига сиёсий шўҳратпарастликдан, бойлик орттиришдан ҳам тўймайдиганлар фиркачилик, диний муросасизлик, миллатчилик, сепаратизм, фашизм, маҳаллийчилик, жинсий шериклик каби «Гоа ва гоача» билан тезда таъсир этишга бор имкониятлари билан ҳаракат қилишларини англаш мумкин. Улар ўзларининг бу манфур ниятларини қандай амалга оширишларини ҳаммаимиз 1999 йил 16 февралда кўрдик. Бундай фожияларнинг қайтарилишларини учун ҳаммамиз ҳам бор имкониятимиздан фойдаланишимиз, қўлдан келганча ҳаракат қилишимиз лозим. Эзгу ишларимизни амалга оширишимизда Яратганининг ўзи мададкор бўлмай, иншааллоҳ!

Одил РАҲМАТОВ.

Хотира уйғонса гўзалдир...

ҲАЁТ ГҮЛТОЖИ



Шундай одамлар борки, қанча узок умр кўрмасин, ортидан бирор из, эсга оларли хотира қолмайди. Лекин шундай инсонлар ҳам борки, ҳаётга қамқоқдайн қачнаб келадиган қисқа умр кўришига қарамай одамлар дилида ўзининг эзгу ишлари билан ўчмас из қолдирадиган, унинг сўзларини, қўларини, қайноқ қалбиди одамларга бўлган жўшқин муҳаббатини ҳаммаи ёдга тутасиз. Ана шундайлардан бири болалигидан ўзининг ўткир зехни, зукколигию донолиги, илмга ташналигию шоирлиги, эл-юртга муҳаббати билан ажралиб турган, ҳаммаи ҳақиқат йўлида меҳнат қилишни дилига эзгу мақсад қилиб қўйган Тошкент Давлат юридик институтининг 1-йил магистранти Дилфуза Бегимова эди.

юридик фанлари номзоди, доцент, институт хотин-қизлар кенгаши раиси:

— Президентимиз фидойи ёшларимиз ҳақида ҳаммаи фахр билан гапирдилар. Дилфуза Бегимова ана шундай фидойи ёшларимиздан эди. Агар у яшаганида жуда кўп ишлар қилишига нафақат мен,

балки бутун жамоамиз аҳли ишонарди. Бинобарин энди унинг руҳини шод этиш, қалбидан қайнаб чиққан, лекин ушалмаган орузларини эслаш биз тириклар — унинг яқинлари, устозлари, тенгдошлари учун ҳам фарз, ҳам қарз. Дилфузанинг ҳислатлари кўп эди, шу боис ҳам бутун жамоа эътибори-

ради, фақат сиз йўқсиз ота-жон.

Отажон! Сизнинг табаррук изларингиз қолган Хувайдо маҳалласига қириб борарканман юракларим ҳаприқиб кетади. Сизни ҳаммаи эслагучи, қилган яхшиликларингизни, ширин

Қамра

ҚЎМСАШ

Отажон! Қўлингиз гул эди. Баҳор келиши билан ҳовлимиз яшнаб кетарди. Гулу райхон, лола-ю гулсафсар, аттигуллар чаман бўлиб кўрган қўзни қувнатарди. Токларини шундай парвариш қилардингиз-ки, ҳар бирини қўларининг соҳидек тараб қўярдигиз. Узуллар шигил ҳосилга кирган: Хўсайни, Хўсайни, Тоифи, Қирмиска. Набирларингиз қачон узум деса, эртами-кечми, эрин-масмингиз, нарвон қўйиб сўрига чиқиб энг сара Хўсайни узумдан олиб тушардингиз. «Болалар Хўсайни узум ейиши керак, табиий глюкоза» деб қулардингиз.

Отажон! Қўларингиз фақат меҳнатда қалок бўлган. Етти фарзанд ўстириб, бирон марта чарчамаган деганингизни, онамга қаттиқ таъзим қилардингиз.

Отажон! Қўларингиз фақат меҳнатда қалок бўлган. Етти фарзанд ўстириб, бирон марта чарчамаган деганингизни, онамга қаттиқ таъзим қилардингиз.

пириб, оиламизда жанжал бўлганини ҳеч кўрган, эшитган эмасмиз. Мулоим, камтар, камсуқум эдингиз. Биз

дига ҳам малҳам бўлишни сиздан ўрганганимиз, отажон, Отажон! Фарзандларим ана шундай фидойи ёшларимиздан эди. Агар у яшаганида жуда кўп ишлар қилишига нафақат мен,

фарзандларингизга меҳрингиз шунчалар беқисс эдики, ҳозир ўз пушти камаридан бўлган фарзандларини ҳою-ҳавас йўлида сарсон қилиб қўйган оталарни кўрганамиз, қисиз меҳрибон, меҳнаткаш, фарзандлари учун ўз хузур-ҳаловатидан кеча ола-дилан отанинг фарзанди эканлигини фарзандларим билан таъзим қилардим. Меҳрини, тотувлигини, яхши қўллардан қувонини, ташвишли қўлларда ўзгалар дар-

дига ҳам малҳам бўлишни сиздан ўрганганимиз, отажон, Отажон! Фарзандларим ана шундай фидойи ёшларимиздан эди. Агар у яшаганида жуда кўп ишлар қилишига нафақат мен,

фарзандларингизга меҳрингиз шунчалар беқисс эдики, ҳозир ўз пушти камаридан бўлган фарзандларини ҳою-ҳавас йўлида сарсон қилиб қўйган оталарни кўрганамиз, қисиз меҳрибон, меҳнаткаш, фарзандлари учун ўз хузур-ҳаловатидан кеча ола-дилан отанинг фарзанди эканлигини фарзандларим билан таъзим қилардим. Меҳрини, тотувлигини, яхши қўллардан қувонини, ташвишли қўлларда ўзгалар дар-

дин сўзингизни ҳозирганча ёдга олувчи маҳалладошлар, дўстларингиз «уфат-ларингиз мени кўрганда «Қизим, жаннати отанг бор эди» деб ҳаммаи сизни хотирлайдилар. Ножўи сўз айтиб биронинг дилини оғритмаган, қаттаникичкини бирдек кўриб ҳаммага баробар яхшилик қилган, яхши-ёмон қўлларда ҳамдард бўлган Юсуфбекнинг фарзанди деб

қўнглимни тоғдек кўтариди. Сиздек табаррук одамнинг фарзанди эканлигимдан минг бора шукроналар келтирарман. Отажон! Сиздан бир яхши бов қолди. Биз фарзандларингиз — ҳаммамиз сизнинг берган доно тарбиянгиз, чексиз меҳрингиз тўғайли уйл-жойли, бола-чақали, касб-корли бўлиб, эл-юрт хизматини сиз бошлаган эзгу ишларни давом эттириб юрибмиз, сиз ўлмаганингиз, отажон. Ҳаммаи қалбимизда, дилимизда яхши ниятларга, яхши ишларга йўлловчи хотиранингиз бизга йўлдош бўлаверди.

Отажон! Йўлларимда сиз тенгин нуроний, бошига дўпни қийиб, набирларини оҳиста етаклаб кетаятган отахонларни кўрганимда қалбимдан, юрагимнинг туб-тубидан «Нега сиз ҳам юрмadingиз, отажон!» дея соғиниб, армон ёшлари юзларини юнаверарди.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

ҒАЛАБАГА ЭРИШДИ, БИРОҚ...

Ўтган кунни Ўзбекистон миллий чемпионатининг ўн биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда «Пахтакор» ўз майдонида «Кимёгар» жамоасини қабул қилди.

Уйининг дастлабки дақиқасидек Собир Ходиевнинг меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга ола билган ишқибозлар руҳини кўтариб юборди. Аммо биринчи бўлимининг охиридаги келиш меҳмонлар ўйинида бўрилиш ясай олинди. «Пахтакор» дарвозасига уюштирилган ҳужумлардан бири гол билан

яқунланди. Яхшии, пахтакорчилар сафиди Игорь Шкиридек тажрибали ҳужумчи бор. Уйин тугашига 18 дақиқа қолганда Шкирин меҳмонлар ҳимоячиларни қўриқовида бўлишига қарамай ўзига оширилган тўғи дарвозага аниқ йўллаб, жамоаси ғалабасини таъминлади.

Қолган учрашувларда қўйида-

ги натижалар қайд этилди. «Хоразм» — «Андижон» 0:0, «Тўрп» — «Нефчи» 0:1, «Насаф» — «Кизилқум» 1:1, «Сурхон» — «Буюк» 1:0, «Металлург» — «Зарафшон» 2:0, «Трактор» — «Самарқанд-Динамо» 2:0, «Сўғдиёна» — «Темирўли» 3:2, «Ўлистон» — «Навбахор» 1:2, «Семур» — «Дустлик» 1:2.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ.



(Давоми. Боши газетанинг 35,38,44,47,50,53-сонларида)

Доя олиб чиқиб Хотамни сипорих (топишмоқ) қилди. Бир кеча-кундуздин сўнгра саройга бориб осойиш айлаб, маликанинг номасини очиб мутолаа айлади. Битибдурким, аввали нома ба номи худованди карос ва пайгамбарони мотақаддус. Иккинчи илтимосимиз буюрдики, уч саволимизга жавоби босавоб бўлди. Энди тўртинчи саволга машуул бўлгилар, андоқки; бир марди ўз дарвозасига битибдурким: Байт: «Ростилини кими қилур изхор, анга ёрдул ҳашиша бирубор». Ул одам нечук ростлик этилишдур, не навъ билан роҳатлик топибдур. Бу сўз маъинининг аслидин ростлик билан хабарини келтургайлар, нома тамом вассалом.

Энди тўртинчи саволатдин эшитинг. Алқисса, номайи малика Хусния бону ҳукми бирла шахзода Мунир билла хайрлашиб биёбон йўлини олди. Гоҳ дашт ва гоҳи саро ва гоҳи тоғларни кезиб, ҳар ким учраса мудоаонин сўрар эрди. Хеч ким билмас эрдилар. Неча муддатлардин сўнг гузари бир даштага тушди. Ул даштни ўртасида бир кўл бордур, бисёр улугдир. Ҳар навъ дарахтлар ҳам ул сув ёқасида бордур. Бир ёнида бир асим дарахт бордур ва лекин ҳар шоҳида кесик бошларни осиб қўйибдур, ҳаммаси паричеҳра қизларнинг бошидур, қонлари томиб турадур. Ул қўлнинг сувини қизил қилибдур. Ҳаммадин юкори шоҳида бир бошни осибдурлар. Хотамнинг кўзи анга тушди. Мундог соҳиб жамол бошни асло қўрмагон эрди. Бул бош паривашлардин икки ҳисса баланд эди. Хотамнинг дили ва жони анга банд бўлди. Ҳамма мудоаони ёдидин чиқарди. Ул бошни волайи шайдоси ва ошuftаси бўлиб, термулиб қолди. Ҳамма бошлар Хотамни кўриб, қаҳ-қаҳа уриб қўлишар эрдилар. Хотам нечук бўлиб йиқилиб қолди. Бир вақт ўзига келиб қурдики, шом вақти бўлибдур. Ҳамма бошлар дарахт шоҳидин узилиб, қўлга тушиб гоийб бўлдилар. Ул қўлни яна бир ёнида чодир ва хиргохлар пайдо бўлди. Машаллар ва асбоби базмлар муҳайё бўлиб туриб эрди. Ул қўлдан паризодлар чиқиб, ўйнашиб бориб ҳар бирлари ўз жойига ўтибди. Хотам билдики ҳаммаси ўшал кесик бошлардир. Яна бир пари ҳаммадан юкорида, тахтда ноз-карашмалар билан ўтирибдур. Пари-

вашлардин бири Хотамни олдиға таомлар, мевалар олиб келиб дастурхон солди ва эй меҳмон ушбу таомлардин танавул айланг, деди. Хотам сўрадики, бул тахтишин дилрабоининг олтари нимадур, бу манзилнинг ойини нима дерлар? Ул айтди, шу ерда бўлсангиз эртами-кечми билурсиз — деб, кетди. Алқисса, неча кундуз ва кечалар ўтди. Кечаси базм ва сўхбат, кундузлари кесик бошлар дарахт шоҳида бўлур эрдилар. Хотам дилгир бўлди. Турарини ҳам билмай, охир бу сирдан беҳабар кетмайн деб, шом вақтида ул бошлар билан

кундузлари дарахтга осилди. Анча кун ўтди. Яна ул азиз этиб келиб, асо билан ишорат айлалар, дарахтдин ерга тушиб ўз аслига келди. Ул азизнинг оёқларига йиқилиб йиғлади. Ул азиз Исми Аъзамни ўқини ўргатдилар. Шарт-одоблари билан дедиларки; асло фаромуш этмагил, оғзингдин қўймагил, сенга фойда қилур, агар ёдингдин чиқолсанг пушаймон қилурсан сўнгра қўлга қирмагил.

Энди Хотамни жодулар билан қилган муомаласи.

Ул азиз дедиларким, бул маликани

Донишмандлар хазинасидан

ХОТАМНИНГ

УЧИНЧИ САФАРИ

ўзини қўлга ташлади. Кўзини очиб босса бир даштни кўрдик, ободлиқдин асло намунаси йўқдур. Хотам оч ва ташна юрар эрди. Иши ҳеч ерга етмади. Охири қариб ташналиқдин йиқилиб қолди. Ул вақт бир Ҳизир монадишин пайдо бўлиб, андоқ сув-таом бериб дедилар, эй ўғлим бул бахрдан кечил, ўз ишинга бориб, бўлмаса то ақалинг етгунча мундо қолурсан. Бул даштини биёбони сирлас дерлар, — деб, қўлнинг менга берил, қўзингни ўш дедилар. Энди қўзингни оч дегаҳ, Хотам қўзини очиб, ўзини ул қўл, дарахт олинда қўрди. Ўзига дедиким, то ул бошини, дарахт устига чиқиб олиб тушмаса бўлмас, — деб, дарахтга чирмашди. Ул дарахтдин бир овози баҳайбат пайдо бўлиб, аждаҳодак Хотамни домига тортиди. Хотам кўрагига банд бўлди, гўёки исканжа англис бурадиқим, Хотам тоб беролмай бетоб бўлди. Яна ул азиз пайдо бўлиб асалари билан дарахтга ишорат қилдилар. Хотамни бир неча қадм масофага ўтибди. Ул азиз гоийб бўлдилар. Шом бўлди, бошлар ўзини сувга ташлади. Хотам ҳам ўзини сувга ташлади. Кесик бошлардек кечаси базм

оти маликам Зарринпўшдир, Сом жоданинг қизидир. Токи Сом жодуни йўқ қилмагунча мудоао қўлга қирмас. Шу йўл билан борсанг бир тоғ бордур «Қўхи аҳмар» дерлар, Сом жодуни жойидир, зинҳор. Исми Аъзамни ёдингдин чиқармагил — деб, яна гоийб бўлдилар. Хотам оллох-таолони ёд айлалар Исми Аъзам баракатидин кўрдиким, бир тоғидурким ҳам баланд ҳам улуг ва ҳамма тошлар қайноқ эрди. Хотам худого санолар айтиб, Аҳмар тоғининг этагига қадам қўйди, оёқлари то тизасигача тошга боти. Бу Сомнинг сеҳри эди. Хотам зўр бериб Исми Аъзамни ўқиб бошлади. Оёқларини тошлар қўйиб юборди. Хотам Аҳмар тоғига чиқиб, бир чашмабошини ўзига ватан айлалар, қўли пок қилиб, Исмиёғи ўқийдиги киришди. Исми Аъзамнинг шарофатидан, бул тоғдаги Сомнинг қилган сеҳр-жодулари ботил бўлди. Яна ўқини давом эттирди. Сом жодуга асар қилди. У «во ажабо» — деб, китоб очиб, сархисок қилдиқим, Хотам Ибн тай қилибдур, ҳамма сеҳрларни ботил айлалардур. Хотамнинг келишига қизи малика Зарринпўш сабаб бўлбдур.

Маликага ошиқ-зор бўлибдур. Агар олдини олмаса олами зеру забар қилгундек. Дарҳол бир амал айлалар, бир қисм туфроққа дам уриб сочди. Хотам кўрдиким бир хил паризодлар билан маликайи Зарринпўш хиромон бўлиб, салом айлалар зоҳир бўлди. Хотам эса беҳушона бўлиб, андак тили Исми Аъзам ўқийдиган қолди. Шу замон бир тутун пайдо бўлиб, Хотамни ўраб-чирмаб, қўл-оёғини банд қилиб Сом жодуни олдиға еткурди. Жоду айтдики, Эй Хотам муҳраини моҳ парини манга бергил, мен сени ушбу банддин озод айлай — деди. Хотам айтди, ул муҳра жонининг орасидадур, киши ололмас, ўзини ҳам ҳаддим йўқдур. Сам Жоду буюрдиким, чоҳи оташинга ташлангилар — деб Хотамни чоҳи оташинга солдилар. Хотам муҳраини шоҳпарини озига солиб, олов ўртасида Худойи таолони ёд айлалар ўтирди. Сом яна китоб очиб билдиким, Хотам қўймас. Боз олдириб келиб банддин раҳо айлалар юборди. Хотам ул чашмага келиб қўли пок айлалар бўлиб туриб эрди, яна бир сеҳрни бунёд айлалар. Яна бир ғуруҳ паривашлар билан маликайи Зарринпўш зоҳир бўлди. Ўзига оролар берибдур, ноз-карашма, ишвалар айлалар Хотамни олдиға келди ва дедиким, ул дафъа отам панд берди, энди дўстимни бир қўрайн деб келдим, деди. Хотам малика Зарринпўш деб ўйлаб, қўлини тутмакчи бўлди. Ул дедиким, эй дўстим чиндан ошиқ бўлгон бўлсанг муҳраини Моҳ парини бир кўрсаткил, нечукдур — деди. Хотам муҳраини кўрсатмакка мобил бўлиб туриб эрди, бир овози баҳайбат қўлига етди. Яна фириб ермусан, муҳрани зинҳор кўрсатма. Хотам ўзига келди, кўрдиким ҳеч жодур нимадурдан асар йўқдур. Фўл айлалар исмиёғи ўқурга киришди. Сом жоду кўрдиким бўлмади, сеҳрини илми билан шайтонни чакирди. Ҳозир бўлди, анга эр айлаларки Хотам деган баодин мени кўтқариб қўйил деди. Шайтон айтди, анга бу дамда мени қўчим етмас, оғзида Исми Аъзам бордур ва ҳам муҳраини Моҳпарини бордур. Агар бир вассаса билан ихтилол (уйқуда бўлгани) айлалас, сени жанобат (ювқисиз, бўлганган ҳолатда) билан тушиб муҳрани олсанг мақсудинг раво бўлур, вагарна ўзинг билурсан — деб, Хотамни тушига қириб, бир навъ вассасалар қилиб ихтилол этди.

Тургун ҚАЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



Равшан Алибеков ошган суратли-нава.

Хаёлларга бўламан тутқун...

Шанбадан шанбагача: мунажжам тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ

ХАЙРЛИ КЕЛСИН

● 13 май — шанба (Ойнинг 9/10 қуни). Ҳар қандай алдовларга учиб ҳавфи бор, ундан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Акс ҳолда анча вақтгача аччиқ пушаймонлик аламини тортиб юришингизга тўғри келиши мумкин. Шу кун одам жуда берилувчан бўлади. Бинобарин, унча таниш бўлмаган кишилар билан камроқ мулоқот қилишга интилинг. Қўлгина кишиларда айл-ишратга ўзини уриш ҳоҳиши пайдо бўлади — лекин бу ҳам хеч қандай ажишликка олиб бормайди. Шу кунги йўл қўйган аҳмоқона хато учун узок вақт хижолатда қолмай десангиз — ўзингизни босиқ ва хотиржам тутишга ҳаракат қилинг.

Жарроҳлик операцияларидан тийлиб турган маъқул. Барча жисмоний зўриқиларнинг олдини олиш керак. Шифобахш гиёҳлар билан даволаниш, игна муолажалари яхши самара беради. Бу кун нафас йўлларида даволаш учун қулай ҳисобланади. Яхши — парҳезга қатъий риоя этинг.

Тушларингиз у ёки бу муаммони қандай ҳал этиш йўлларидадан баёрат қилиб, ҳафта давомида ўнгингизда содир бўлади.

● 14 май — якшанба (Ойнинг 10/11 қуни). Инсон онгида хайру саховат туйғулари жўш уради. Шундай туйғулар билан имкон қадар кўпроқ одамларга ёрдамлашга ҳаракат қилинг. Шунда ўзингиз ҳам бошингизга иш тушганда ҳеч вақт ёлғиз қолмайсиз.

Бўғимларни, асаб тизими хасталиқларини даволаш тавсия этилади. Юрак хасталигига дучор бўлган беморлар шу кун алоҳида эҳтиёткор бўлишлари керак. Таркибда гиёҳванд моддалар бўлган дориларни истемол қилиш тавсия этилмайди. Игна билан боғлиқ муолажалардан тийлиб тургангиз маъқул — ёқимсиз асоратларга дуч келишингиз мумкин.

Тушларингиз ўнгидан келмаса-да, келажак учун муҳим нарсалардан дарак бериши мумкин — оғоҳ бўлинг!

● 15 май — душанба (Ойнинг 11/12 қуни). Шу кеча-кундузда Ойнинг орға-тасири кучи инсон табиғатида тўла ҳамоҳангдир. Шунинг учун бу кун гоёт осойишта ўтади. Мушакани баланд қўйиш, қандайдир салбий ахтирсларни намоён этиш, одамларнинг гашини келтиривчи қўлполикларга йўл қўйиш мумкин эмас. Атрофимизни ўраб олган ҳамоҳангликни бузиш бунга журъат этган киши учун ҳалокатли бўлиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин. Уй-рўзгор ишлари билан, айниқса, ҳовли-жойларни тозалаш, поклаш билан шуғулланиш гоёт фойдали бўлади.

Умумий саломатлигингиз ёмонлашиши мумкин. Юракни зўриқтирадиган ишлар билан шуғулланмаслик керак. Юрак инфаркти ва қон босимининг ошиб кетиши рўй бериши эҳтимоли бор. Спиртли ичимликларни суистеъмол қилишдан тийлиниг. Қучли таъсир этувчи тиббий дори-дармонларни қабул қилиш ҳам тавсия этилмайди.

Тушларингиз ҳам ёрқин, табиий ҳолатларга ҳамоҳанг бўлади. Улар сизни тинлантиради, асабий толиқиларингизни олади ва ҳатто турли оғирлардан халос этиши ҳам мумкин.

● 16 май — сешанба (Ойнинг 12/13 қуни). Осойишта қўнларнинг бири. Қандайдир салбий ахтирсларни намоён этиш, одамлар гашини келтиривчи қўлполикларга йўл қўйиш, улар билан жанжаллашиш, ўз гапингизда қатъий туриб олишингиздан фойда йўқ. Рўзгор ишлари билан шуғулланиш, қатта қўч-ғайрат талаб қилмайдиган одатий ишларни бажариш қатъий наф келтиради. Қўни шаҳардан ташқарида, ўрмон ёки сув ҳавзасига яқин жойда ўтказиш қўнқилиш бўлади.

Оғза ва қорин бўлиши билан, боғлиқ барча жарроҳлик операцияларини бошда қўлга қолдириб туриш маъқул. Юракни зўриқтиришдан эҳтиёт бўлинг. Инфаркт, анисулт хасталиқлари зарба бериши эҳтимоли бор. Спиртли ичимликларни суистеъмол қилманг. Қучли таъсир этувчи тиббий дори-дармонлардан ҳам узокроқ бўлган маъқул, шифобахш гиёҳлар яхши фойда қилади. Ёқимли тушлар кўрсатди. Тонгга яқин қўнларингиз яқин орада ўнгингизда содир бўлади.

14 майда эҳканларингизни ва унга қўшимча қаламбир, помидор, саримсоқ, пиёз ва пиёз экингиз мумкин.

● 17 май — чоршанба (Ойнинг 13/14 қуни). Ҳар қандай муҳим ишни бошлаш учун бу кун жуда ўнғай ҳисобланади. Лекин айнан шу кунги вухудингизни қандайдир ғам-тавиш, безовталик, таркидунчилик қайфиятлари забот этиши мумкин. Бундай қайфиятни ўзингиздан қўнғинг, акс ҳолда унинг таъбиқидан анча вақтгача қўтулолмаслигингиз мумкин. Мабоодо, ёмон қайфиятдан қўтилла олмасангиз — бир иш билан шуғулланган ёки дўстларингиз ҳузурига ошқинг. Дўстлар давраси ва салимий мулоқотлар анча ижобий ҳис-туйғуларга қўлбўғини тўлдирди.

Шу кунги тери хасталиқларини даволаш, косметик муолажалар, игна санчиш муолажаси тавсия этилади. Ҳазм қилиш тизими нозиклашади. Аллергик хасталиқлар ҳужури, ошқозон-ичак йўллари хасталиқлари безовта қилиши эҳтимоли. Парҳезга алоҳида эътибор қилиш талаб этилади. Кимёвий дори-дармонлар истемолини имкон қадар қаматтириш керак.

Тушларингиз беҳаловат бўлиши мумкин. Уларда аён бўлган муаммони эслаб қўлинг — зеро, чиндан ҳам шундай муаммо ҳаётингизга тўғноқ бўлаётган бўлиши эҳтимол.

● 18 май — пайшанба (Ойнинг 14/15 қуни). Маъқул кеча-кундуз Ойнинг таъсири оғир келади. Одам жуда берилувчан бўлиб, бошқаларнинг қўлига ҳалокатли таъсири остига тушиб қолади. Ҳатти ҳаракатларингизни қатъий назорат қилишга интилинг. Яхши — бу кунги холироқ ўтказган маъқул.

Жағ-ҳоз ҳафтада пластик операциялар тавсия этилади. Қорин бўлишига жарроҳлик муолажалардан тийлиб турган маъқул. Буйрақлар ва қалқонсимон без тизими заифлашади. Қант касалига мубтало бўлганлар айлқиса эҳтиёткор бўлишлари керак. Кексалар ҳам уларига эътиборлироқ бўлишлари мақсадга мувофиқ. Шу кун алоқотол ва оғир овқатлардан тийлиниш зарур. Овқатдан заҳарланиш ва аллергия хасталиги ҳужури қилиш ҳавфи бор.

Тушларингиз баёратли бўлиб, уларни яхшироқ эслаб қилишга ҳаракат қилинг.

● 19 май — жума (Ойнинг 15/16 қуни). Иблисона кун. Оғир, ёқимсиз ва ёвуз қўнлар дунёни бошқаришга интилади. Қўлнингиздан келадиган энг яхши эҳтиёт чораси дилингизда хотиржамлик ва мувозаанатни сақлашга интилинг, дўст-оғиллар уқини, азгул-камал бағишланган китобларни мутолаа қилиш билан машғул бўлишга ибоят. Атрофдагилар билан мулоқотларини имкон қадар қаматтириш керак. Шу кун кўпроқ юрсиқ ҳоҳишлар қалаб қилади — бинобарин, ўз ҳоҳиш-истакларингизни назорат қилиб, Соғалии ҳатти-ҳаракатлардан ўзингизни асраб қўлинг.

Инсон жисми-жони учун ҳам бу кун оғир келади — буйрақлар, жағар ва ошқозон ости бези заифлашади. Узок йиллардан бери сизни безовта қилиб келадиган суррунали хасталиқлар зўрайиши мумкин. Кексалар уларига эътиборли бўлишлари керак. Ошқозон-ичак йўллари оғирлаш учун бу кун қулай келади.

Тушларингиз тозалик, тозалик пуч бўлади. Шунинг учун уларни қанча тез унутсангиз — шунча яхши.

Картошка, пиёз экин, дарахтлар ва бўтазорларда қурган шохларни кесиб ташлаш, ўғит солиш мумкин. 20 майда ҳам шу ишларни давом эттиравсангиз бўлади.

Қатрлар

НУРЛАР

Оғтоб борки, қут-барак, фаровонлик бор. Ой нури эса дарахт ва полиз ҳосилларига хушбўй таъм, маза берадиган.

Дўстим, яна қанча нурларнинг саховатидан яйраб юривдим. Эҳ, аттанг! Наҳотки, гурурга учиб меҳр нуригини мендан дариг тутта бошласанг! Кўнглим уйи ҳазинлардин зим-зиё. Табиат нурларининг саховати эса зим-зиёга фарқ бўлдилар гўё.

Дунёда нурлар кўп. Бир-биридан афзал, бебаҳо. Меҳр нуригин сэн учун энг арзон нарсас. Шундай дамларда мени учун эса ўша бебаҳо нурлардан ҳам устун, афзалдир. Шунини тушунасанг-чи, эй дўстим.

Дунёда нурлар кўп, лекин...

30Т

Эркатой нихол ўз тенгилари қатори деҳқон ва ер меҳрини тўйиб-тўйиб эди. Ҳосилдан-чи, дарак йўқ.

Эси, сенга кетган қўч, ҳаракатлар, — деди унга нихоллардан бири.

Эркатой жим-жим.

Сенга сарф бўлган маҳаллий ўғит, кимёвий дори-лар ҳам менга бўлганда эди, хозирги ҳосилим икки бара-вар ошиқ бўлармиди?! — алам билан деди яна бири.

Қанча гапирсангиз ҳам унга бекор, — деди ишга-ишга ҳосилим бир нихол, — қонига қилча ҳамяти йўқ, уруғи ярамас бўлса ундан нима кутардик.

Қазими-картами, барибир эотига тортиди.

Ҳана АБДУЛЛАЕВ.

Шахмат

ВАКИЛИМИЗ — СИНГАПУРЛИКЛАР УСТОЗИ

Наманган шахмат мактабидан унинг-ўсган Анжела Хэ-гай Тошкентга ўқишга келгач тез орада ўзининг бетакдор маҳоратини қўз-қўз қила бошлади. Бир неча марта республика шахмат маликалигига кўтарилди.

Кейинги бир йилни Осиёнинг тараққий топган мамла-кати Сингапурда, шу мамла-кат шахматчи қизларининг у-стоз вазифасида ўтказиб яна юртига қайтиб келди. Келиши биланок муваффақият — яна Ўзбекистон чемпиони. Бу-гал-ли чемпионатда 10 киши иш-тироқ этди. Низомига ўрина кўта-рилган Ирода Ҳамроқуллова республика тарма жамоаси таркибига қиради ва жаҳон олимпиадасида қатнашди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ — ДУБАЙДА

Ўзбекистоннинг кўп марта чемпиони халқаро грос-смейстерлар Александр Не-нашев, Рена Мамедовалар, халқаро мастер Дмитрий Ка-юмов, Акбар Алибеов айни кунларда Бирлашган Араб Амириятларида давом этаёт-ган аънанавий халқаро тур-нирда доня сурмоқларди. Го-либларни совириллар кутмоқ-да.

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Танловлар

Юнусобод туманидаги Ҳамид Олимжон номили маданият уйида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг туман бўйича финал босқичи бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Ушбу танловда туманнинг Мукаррама Тургунбоева, Ҳамид Олимжон, Фуркат, Дўстлик, Абдулла Қодирий номили маданият уйлариининг ҳаваскор қатнашчилари иш-тироқ этиб, меҳмонлар ва хайят аъзолари эътиборига 40 нафар ҳаваскор хонанда 100 га яқин қўшиқларни ижро этишди.

Туман маданият иш-лари бўлими маданият уйла-ри билан ҳамкорликда, — дейди хайят раиси, таниқ-ли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ар-боби Носир Отабоев, — кўрик-танловга катта тайёр-гарлик кўришди. Қизиги шундаки, айрим туманлар-да ўтказилган кўрик-танлов-лар 10-15 та қўшиқ билан низоҳаланди. Аммо Юну-собода 40 та ижрочининг 2-3 тадан қўшиқ қуйлаши мени хайратда қолдирди. Демак, туман ахли нафақат бунёдкорлик ва ободон-лаштириш ишларида, бал-ки санъат соҳасида ҳам бо-

шқаларга ўрнат бўлса ар-зийди

Шу кўннинг ўзида танлов голиблари аниқланди. Абду-лла Қодирий номили маданият уйи қатнашчиси Алижон Ис-хоқов Султон Қўқонбеков сўзи, Муҳаммад Шокиров кўйи билан ижро этган «Мар-дона» қўшиғи учун биринчи ўринни, Ҳамид Олимжон но-мили маданият уйи раҳбари Александр Белинзон, Абду-лла Қодирий маданият уйи қат-нашчиси Илхом Матқўболо-вар «Мой родной Ташкент», Этам Мурод сўзи, Худойна-заров мусикасига бастанланган «Келажак буюк Ўзбекистон бу» қўшиқлари учун иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ва бу қатнашчилар май ойида ўтадиган Тошкент шаҳар «Ўзбекистон — Ватаним ма-ним» кўрик-танловининг фи-нализда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шунингдек, танлов қатнаш-чиларида Кўрғонбоев, Дил-шод Умаровлар фарҳри учин-чи ўринга сазовор бўлдилар.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.

Бека

МАСЛАҲАТЛАР

- Ошқонангиздаги пичоқлар ўткир тургани маъқул. Чунки ай-нан ўтмас пичоқлар қўлнингизни кўпроқ кесиб олиши мумкин.
- Зағлаб турган газ листини кўпроқ миқдордаги газ билан тозаллаб олиш мумкин.
- Металл идишларидан балиқ, саримсоқ ҳиди кетмаса унда чой қайнатиб қўлинг.
- Ишчи идишларини кофе қолдиги билан ювса, янада яраклай-ди.
- Пиёла, чойнақлардаги сариқ доғни оддий истемол содаси билан ювсангиз топ-тоза бўлади.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Азиз оқшомхон!

Изоҳлари баён этилган сўзларни шаклга «занжир» ва кесилган ҳолда ёзинг.

1. Тошкентнинг қадимий номи.
2. Қуёш ботган пайт.
3. Сув ҳолати.
4. Қадриин зар-гар биллади.
5. Шохмат уйини донаси.
6. Мақтуб, нома.
7. Усти ёпиқ шарқона бозор.
8. Ой номи.
9. Вақт ўлчови.
10. Бўёқ модда.
11. Ер устида қўрииб турган гўмбаз шакли-даги ҳаво қатлами.
12. Тоғ санояти корхона-си.
13. Азиз неъмат.
14. Африкадаги дарё.
15. Тола олинадиган экинлар маҳмуи.
16. Бадий асар қисми.
17. Ил газлама.
18. Абу-лқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» достони қаҳрамони.
19. Болтиқ бўйи республикаси-да пул бирлиги.
20. Ҳўл мева.
21. Серсоя дарахт.
22. Газлама тури.
23. Пул бирлиги.
24. Асалари ишлаб чиқарувчи ёпишқоқ мод-да.
25. Ҳўтар қурол қисми.
26. Араб алиф-босидаги ҳарф.
27. Шохмат уйинидаги ҳолат.
28. Бинонинг эшик, деразасининг юқориси-даги ярим доира шаклидаги қисми.
29. Йил фасли.
30. Бокс бўйича мамлакатимизнинг танкили мураббийси.
31. Эндиғина унинг чи-қан ўсимлик.
32. Касалик таъсирида танада бўладиган ҳолат.

Муаммонома

Авалл қуйида таърифланб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Ота бобоси шахрисабзлик, Ҳиндистон-да таваллуд топган шарқнинг мутафаккир шо-ири, «Комде ва Мудан» достони муал

